



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi 29-uy, Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52
www.imv.uz, info@imv.uz

2023 - йил 14 - май

11/7-07700 - сон

**Қорақалпоғистон
Республикаси Иқтисодиёт ва
молия вазирлиги, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар
Иқтисодиёт ва молия бош
бошқармаларига**

**Туман (шаҳар)
ҳокимликлари Иқтисодиёт ва
молия бўлимларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-117-сон қарори билан тасдиқланган **Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасига** мувофиқ жорий йилнинг 15 майдан 15 июнига қадар ҳудудларда фуқаролар ва жамоат ташкилотларидан ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар йиғиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан иловада келтирилган **график асосида** барча туман ва шаҳарларда фуқаролардан ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғиш ва уларни муҳокама қилиш юзасидан **очиқ мулоқотлар ташкил этилишини** таъминлашингиз сўралади.

Бунда, очиқ мулоқотларни ташкиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:

тадбир тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки Иқтисодиёт ва молия бўлимлари биносида ўтказилиши;

тадбирни ўтказишда масъул этиб ҳар бир ҳудудда туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий бошқармадан **бир нафардан масъул ҳодимлар** бириктирилиши ва иштирок этиши;

тадбирга туман (шаҳар) Халқ депутатлари кенгашидан сайланган депутатлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, манфаатдор ташкилотлар ҳамда фуқаролар таклиф этилиши;

очик мулоқотни ўтказиш санаси ва манзили юзасидан маълумотларни **камида 3 кун олдин** ҳудудий оммавий ахборот воситалари ҳамда расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш вазифалари юклатилади.

Шунингдек, тадбир яқунларига кўра фуқаролардан келиб тушган таклифлар бўйича иловага мувофиқ кўринишда маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этишингиз сўралади.

Вазир ўринбосари



А.Каримов

77e091ec

77e091ec

77e091ec

77e091ec

77e091ec

77e091ec